



Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

15.г. «14» ноябр

№ 1445-К

**“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласида
фуқаро Холикова Мавлуда Рахматовнага мавжуд биноларни бузиб
қайта қуриш ҳамда савдо дўкони ва умумий овқатланиш шахобчаси
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”**

Самарқанд шаҳар Гулобод кўчаси 163 уйда яшовчи фуқаро Холикова Мавлуда Рахматовна туман ҳокими номига “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласи ҳудудида жойлашган архитектура ва шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган эски биноларни бузиб қайта қуриш ҳамда савдо дўкони ва умумий овқатланиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, “Қишлоқ-қурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2015 йил 29 сентябрдаги 09-15/9-562 сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Самарқанд шаҳар Гулобод кўчаси 163 уйда яшовчи фуқаро Холикова Мавлуда Рахматовнага “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласи ҳудудидаги ташқи кўриниши архитектура ва шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган биноларни бузиб савдо дўкони ва умумий овқатланиш шахобчаси қуриш учун 260 м.кв. қишлоқ хўжалигида ер фойдаланмайдиган ижтимоий бино ва ховлилар ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Холикова Мавлуда Рахматовнага савдо дўкони ва умумий овқатланиш шахобчаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган